




АДАБИЙ МАНБА:

ўрганишнинг замонавий
тамойиллари ва нашр
муаммолари

АДАБИЙ МАНБА:
ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА НАШР
МУАММОЛАРИ
(Мақолалар тўплами)

Қарши
“Насаф” нашриёти
2013

тўпламларида жамланган. Уларнинг ҳар бири 1909-1917 йиллар оралиғида алоҳида-алоҳида бир неча маротаба нашр қилинган²⁴. Шоирнинг бу даврда ёзилган барча шеърлари миллий-ижтимоий характерга эгадир.

Абдулла Авлоний драматургия соҳасида ҳам бир қатор асарлар яратган. “Финак” (1915), “Адвкатлик осонми?” (1916), “Икки муҳаббат” (1916) сингари пьесалар шулар жумласидандир. Бу асарларда муаллиф билимсизлик, кишиларнинг жаҳолат ва нодонлик ботқоғига боровчи оғир қисмати талқин қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Авлоний ёзган пьесалари замирида оила ҳаётини тасвирлаш билан инсон қалбига кириб бориш, уларни маънавий-маърифий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда жамият ҳаётида авж олиб бораётган миллий уйғониш ғояларини тараннум этиш бўлган.

Педагог олим Абдулла Авлоний асарларини ўрганишнинг фалсафий методологик асосини у томонидан қўлланилган тарбиянинг назарий жиҳатларига таяниб қолмасдан, балки унинг ҳар бир ўғит ва насиҳатларини далиллар, ҳаётий мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаш орқали ёш авлод онгида ушбу фикрларнинг узоқ сақланишини таъминлашдан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мутафаккир ўзининг барча асарларида таълим-тарбия, яъни баркамол шахс томонидан ўзлаштириши зарур бўлган қуйидаги: ақлий камолот, ахлоқий камолот, жисмоний етуклик ва гўзалликни ҳис этиш каби сифатларни ёритган. Шунингдек, баркамол шахс тарбиясининг мазмуни, шакл ва фалсафий методлари тўғрисида батафсил маълумотлар берган. Улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадли фойдаланиш, ўйлаш, мазкур йўналиш бўйича самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

²⁴ Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. 2 жилдли. — Тошкент: Маънавият, 2006. 1-жилд. — 50-б.

АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИДА МАТНШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Р.Ф.Зоҳидов, ЎзМУ, ф.ф.н., доцент

Бугун жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган фондларнинг деярли барчасида мавжуд қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг ички каталогини тузиш иши деярли ниҳоясига етган. Ҳар бир манба ҳақидаги дастлабки маълумотларни электрон шаклда йиғиш иши бошланган. Навбатдаги босқичда мазкур манбалар бўйича қилинаётган турли сатҳдаги илмий тадқиқотларни монографик планда чуқурлаштириш, ўзбек матншунослигининг илмий-танқидий матн тузиш йўлида орттирилган бой тажрибаларидан фойдаланиб, ўтган авлод шиддат билан бошлаган иш ҳиммат ва шижоат билан давом эттирилиши лозим. Ана шундагина ота-боболаримиздан мерос қолган бу бебаҳо илм хазинасининг ҳақиқий ворисига айланамиз. *Ворис* сўзи бироз дабдабали эшитилади. Лекин шу ўринда унинг истилоҳий маъноси муҳим. Ворис — мерос тасарруфида қонуний ҳаққа эга шахс. Гап маънавий бойликлар ҳақида кетаётган экан, адабиётшунослар учун “мерос тасарруфи” — ўтмиш адабий манбалар тадқиқи ёки замонавий адабиётнинг шундай манбалар асосидаги таҳлилидан иборат. Албатта, бу вазифани зиммага олиб, имкон қадар бажарган мутахассис олимларимиз борлигига шубҳа йўқ. Яқин тарихни оладиган бўлсак, ўтган асрнинг бошидан бугунгача мумтоз адабиётни ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Илмий-танқидий матнлар тайёрланди, турли адабий рукнлар остида мумтоз адабиётимиз дарғаларининг илмий-адабий меросидан намуналар, сайланмалар чоп этилди, айрим асарлар учун махсус луғатлар тузилди, насрий баёнлар қилинди, адабиётшунослик, тилшунослик, манба-шунослик, матншунослик йўналишида бир қанча илмий тадқиқотлар юзага келди. Олимларимизнинг улкан меҳнати орқали эришилган бу натижалар оммабоп, илмий, академик нашрлар шаклида оммалаштирилди. Бугун биз туганмас хазинанинг, таъбир жоиз бўлса, жуда катта ҳажмда ғамланган “маънавий хом ашёлар заҳираси” нинг олдида турибмиз.

Эндиликда халқимизнинг маданий савиясини янада кўтариш, замон талотумлари таъсирида бир қадар заифлашган миллий инстинктни жонлантириш, миллат руҳини тозартирувчи адабий-эстетик дидни ўткирлаштириш йўлида бу заҳирага дахл қилиш вақти етди. Ҳамма жабҳада илғор ва шу жиҳати билан ҳақли равишда умуминсоният эътирофини қозонган ажодларимизга эргашиш, балки улардан қолган бой маънавий меросга ҳақиқий эғалик қилишимиз учун улар билган нарсаларни билишимиз, юксак завқ ва улуғ илҳом йўлида уларнинг қадамларини доимий собит қилган адабиёт асосларидан хабардор бўлишимиз лозим.

Негаки, ҳар қандай адабий ҳодиса ўзигача кечган адабий воқеликнинг давоми ўлароқ юзага чиқади. Муайян асар ўрганилар экан, тадқиқотчи олдида ҳамиша икки масала кўндаланг туради: *таъсир ва таъсирланиш*. “Таъсир” дейилганида асарнинг дунёга келишига туртки бўлган (асар ёзилишидан олдин ҳам мавжуд бўлган) манбалар назарда тутил-япти. Ўша манбалардаги фикрлар, қарашлар, ёндашувларнинг ўрганилаётган манбада ўзлашган ҳолда акс этиши эса “таъсирланиш”ни англатади. “Таъсир” масаласи атрофлича ўрганилмасдан “таъсирланиш” қанчалик тадқиқ этилмасин, асарга берилган баҳо тўла ҳаққоний бўлмайди. Айниқса, ажодларимиздан мерос мумтоз адабий матнларни ўрганишда манбашунослик тадқиқи бирламчи аҳамиятдаги ишдир. Манбашунослик тадқиқи эса матншунослик фаолиятдан бошланади. Шу маънода матншунослик фаолиятида юзага чиқаётган муаммоларга айрим нашрлар мисолида эътибор қаратсак.

Диққат қилинса, сўнгги пайтларда оят ва ҳадисларнинг жорий имлодаги ифодасида, ҳатто уларнинг таржималарида жиддий хатолар кўзга ташланади. Аввало, Қуръондан келтирилаётган иқтибос мутахассис назаридан ўтиши керак. Қолаверса, оятларни аслиятдагидан бошқа ҳарфда ифодалаш шу пайтгача яхши натижа бермаган. Шунинг учун илмий нашрларда Қуръон оятларининг аслий имлодаги шаклини, сўнгра таржимасини, оммавий нашрларда эса фақат таржманинг ўзини берган маъқул, аслида, шу билан мақсад ҳосил бўлади.

Баъзан мумтоз адабиёт матнларининг эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога табиблида, мазкур матнларнинг талқинида ёппасига саводсизликни кузатамиз. Ёппасига дейишимиздан мақсад, табдил қилинган айрим матнлардаги хатолар нафақат шаклда, балки маънода ҳам, талқинда ҳам бир ё икки ўринда эмас, кетма-кет, қаторасига содир этилади. Айниқса, арабий сўз, жумла, матнларни ўзбекчалаштиришда ўта эътиборсиз ва масъулиятсиз ёндашувлар, таржимада ўзбек тилини доминант сифатида билмаслик ва натижада ўзбек тилининг талаффуз табиатини ҳисобга олмасдан бошқа тилларга сунъий тарзда мослаштиришлар, махсус тушунча ва истилоҳларни изоҳсиз, билиб-билмасдан қўллаш туфайли қўпол хатоларга йўл қўйил-япти. Масалан, ёзма ва оғзаки нутқда жорий бўлган, тилимизга аллақачон ўзлашиб кетган Оллоёр сўзини ёзувда Оллоҳёр, Аллоҳёр деб ёзиш ва зўрма-зўраки талаффуз қилишга ўзни мажбурлашнинг сабаби нимада?²⁵ Агар бунини эътиқодга дахлдор масала деб қаралаётган бўлса, камида калтабинлик қилинаётган бўлади. Соғлом ақида кўр-кўрона тақлид билан эмас, холис илм билан барпо бўлади. Дунёдаги барча халқлар, қабила-элатлар ўзига хос тили билан яратилган. Она тили, унинг табиати ва шу табиатгагина хос барча қонун-қоидалари ҳар бир халқнинг белгилаб қўйилган дахлсиз ҳуқуқи. Бу ҳаққа тажовуз қилиш ҳақиқатга қарши боришдан бошқа нарса эмас.

Матн табиатидан узоқлашиш билан боғлиқ хатоларни оммавий нашрларнинг аксариятида учратиш мумкин. Алишер Навоийнинг “Назм ул жавоҳир” (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 15-том. – Тошкент: Фан, 1999, 136-б.) асарида шундай рубоий бор:

*Иймони анингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.*

²⁵ Мисоллар: Сувонкулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари: фил.фан.док.дисс... - Тошкент: 1997; Баратова Н. Сўфи Оллоҳёрнинг бадний-маънавий қарашлари. - Самарканд: 2002; Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Техрон–Тошкент: Ал-Худф–Мовароуннахр, 2005.

Рубойининг тўртинчи мисрасидаги “отидин” сўзи “онтидин” бўлиши керак эди. Шунда маъно ҳадисга мувофиқ бўлади. Аслида бунга асос рубойининг сарлавҳа қисмида берилган арабий ҳикматда акс этган: *ایمان المرء يعرف بایمانه*. Арабий матндаги “аймон” (*ایمان*) сўзи “ямин” яъни қасам сўзининг кўплик шакли. Алишер Навоий рубойда арабча “қасам” сўзининг туркийдаги синоними “онт” шаклини қўллаган. Сарлавҳадаги матнга диққат қилмаслик ёки тил ва иншо қоидаларидан оддий беҳабарлик оқибатида рубойининг асл маъноси бузилган.

Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин” асари матни табидада ҳам кўплаб ноаниқликларни кузатиш мумкин. Бунга далил сифатида “Саботул ожизин”нинг 1991 йилнинг январь ойида “Чўлпон”²⁶ ва шу йили март ойида “Меҳнат”²⁷ нашриётларида чоп этилган матнлардан айрим мисоллар келтирамиз. “Чўлпон” нашрида “Муҳаббатсиз кишидан қочмоқ баёни” бўлимида шундай байт келтирилади:

*На ким тузганига тушса бўлур туз,
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз.*

Байтни изоҳлаб кўрайлик: *нимаики, тузган йўлига тушиб олса, орадан қанча муддат ўтса ҳам, тўғри бўлади*. Мазмун ўта жўн. Майли, *тузган йўлга* бирикмасини *тузук йўлга* деб ҳам кўрайлик. Барибир, маъно равшан эмас. Сабаби, биринчи мисрадаги *тузганига* сўзи нотўғри ўқилган ва хато нашрда айнан акс этган. Аслида бу сўз *туз конига* деб ўқилиши керак эди. Шунда маъно куйидагича бўлади: *нимаики туз конига тушса, бир неча муддат ўтиб тузга айланади*. Энди мазмун ойдинлашди ва у олдинги байтда келтирилган “яхшиларга эргашиш, яхшилар суҳбатида бўлиш, албатта ўз таъсирини ўтказди” деган маънонинг мантикий давоми бўлиб уланди. Табиийки, мазкур сўзларнинг эски ўзбек ёзувида бир хил шаклда ифодаланиши нашрга тайёрловчини чалғитган. Аммо матншунос учун бу ҳолат узр саналмайди.

²⁶ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин (Нашрга тайёрловчи Рашид Зоҳид). - Тошкент: Чўлпон, 1991.

²⁷ Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин (Нашрга тайёрловчилар Ҳожи Пўлаткори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим). -Тошкент: Меҳнат, 1991.

“Меҳнат” нашрида “Нафси шум баёни” бўлимида келтирилган ушбу байт ундан ҳам ўтиб тушади:

Риёзат бандига беркит оёғин,

Кўтарма бошидин тақво тўғин.

Тақво тушунчаси ўзининг асос эътибори билан юксак мақомни ифодалайди. Бу мақомни топган инсон қадрияти шу қадар кўтариладики, оёғи заминдан узилмасдан, назари самоларга етади, ерда туриб, Ҳаққа боғланади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг аввалги суралари, аввалги оятлариданоқ тақво ҳақида сўз боради, бу улуғ Китобнинг фақат тақво эгаларини тўғри йўлга бошлаши эслатилади. Табиийки, тақво тушунчаси замиридаги бу олий мазмун мумтоз матнларда бутун бадийяти билан баланд пардаларда васф этилган. Наҳотки, бу олий мазмунни ҳаётининг дастурига айлантирган, умрини шу эътиқодда кечирган Сўфи Оллоёрдек шахс тақвони ҳайвонга ўхшатса, уни тўғри қилиб тасвирласа?! Бу на эътиқодга, на бадийят қонунига тўғри келади? Демак, бу ерда ё матнни кўчирган котиблардан ёки нашрга тайёрловчилардан хато ўтган. “Меҳнат” нашриёти чоп этган нашрга асос бўлган матнни текшириб, шунга амин бўлдикки, адашиш котибдан эмас, нашрга тайёрловчилардан содир бўлган. Бу ўринда ҳам айрим сўзларнинг шаклан ўхшаб қолиш ҳодисаси нашрга тайёрловчиларни чалғитганини кузатиш мумкин. Арабий имлодаги *تياغين* сўзидаги *ت* (т) ҳарфидан сўнгги унли “а” эмас, “у” қилиб ўқилган. Натижада хунук хато юз берган. Аслида “тақво таёғи” деб ўқилиши керак эди. Шунда мисрадан мисрага узлуксиз кучайиб борган, мазмун уйғунлиги тўла сақланган ва бадий мантиққа риоя қилинган бўларди.

Араб алифбосидаги матнларни, хусусан, мумтоз адабий матнларни жорий имлога ўгириш ҳар томонлама билим ва ҳамиша ҳушёрлик талаб қиладиган ўта масъулиятли иш. Бу меҳнат қанчалик сермашаққат бўлмасин, бир сўз устида соатлаб заҳмат чекаётган матншуносга кичик бир хато қилишга ҳам имтиёз бермайди. Чунки биз кичик деб эътиборга олмаётган хато туфайли бутун бир матн маъносига ҳалал етади, муаллиф ҳақиқа, тарихий омонатга хиёнат содир бўлади.

“Саботул ожизин”нинг риё иллоти қораланган “Мавъиза” деб номланган бўлимидаги бир байт “Чўлпон” нашрида шундай табдил қилинган:

*Агар богингда бўлса гул зебоси,
Қачон бўлгай чирогингининг зиёси.*

Айни байт “Меҳнат” нашрида шундай келтирилади:

*Агар богингда бўлса гул риёси,
Қачон бўлгай чирогингининг зиёси.*

Кейинги келтирилган байтда олдинги нашрдаги хато ислоҳ қилинган: зебо сўзи риёга ўзгартирилган. Гарчи матн котиблар томонидан бузилиб, зебо сўзи риёга айлантирилган бўлса-да, нашрга тайёрловчи шакл кетидан қувмай, маънога эътибор қаратиши керак эди. Ҳар ҳолда бу хато кейинги нашрда тузатилган. Аммо, барибир, мисралараро боғланиш кузатилмаяпти. *Богдаги гул риёси* билан *чироқ зиёси* ўртасида қандай муносабат бор? Балки мазмунни бир амаллаб, изоҳларни бошқа маънолардан қарзга олиб, бу сўз бирикмалари ўртасида зўрлаб муносабат топиш мумкиндир. Лекин нима бўлганда ҳам, байтнинг бу ҳолатида бадийий мантиқ бузилган.

“Саботул ожизин”нинг бир неча кўлёзма ва тошбосма нусхаларини синчиклаб ўрганиш натижасида масала ойдинлашди. Биринчи мисрадаги “боғингда” (*باغينگدا*) сўзи, аслида “ёғингда” (*ياغينگدا*), “гул” (*گل*) сўзи эса, аслида “гил” (*گل*) экан. Эътибор берилса, араб имлосидаги ҳар иккала шакл деярли мувофиқ. Балки шу ўхшашлик котибларни адашишга олиб келган. Энди мисралар аро боғланиш тикланди: агар ёғингда гил, яъни чанг риёси бўлса (илм йўлидаги холис ниятингга нопоклик аралашса), илминг чирогининг зиёси равшан бўлурми?

Ўзбек матншунослиги доирасидаги қизғин баҳслар бугун мумтоз адабиёт намуналарининг жорий имлога табдилидаги хатоларга бағишланиши табиий ҳол. Негаки, шу кунгача табдил қилинган асарларнинг бирортаси (хатто уларнинг илмий-танқидий матни ҳам) ҳар томонлама, тўла ва қайта жиддий матншунослик текширувидан ўтмаган. Аслида, ўзбек матншунослигининг назарий асослари мана шу жараённинг ичида шаклланади. Муайян асар табдили матн

тарихининг давомидир. Матн тарихининг замонлараро ўзгариш даражаси қанчалик аниқлашса, табдил вариантининг аслга мувофиқлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Демак, мумтоз адабий меросимиз намуналарининг жорий имлога табдилини танқидий ўрганиш матншуносликнинг фундаментал масаласидир.

Адабий мерос тадқиқи ва тарғиби йўлида билиб-билмасдан содир этилаётган нуқсонларнинг сабабини фақатгина етарли савияда сабоқ берувчи устозларнинг камлиги, шунинг учун уларни жон қулоғи билан тингловчи талабаларнинг ундан-да, камлиги билан изоҳласак, муҳим жиҳатни эътибордан соқит қилган бўламиз.

Муҳими, қадимий манбаларни ўрганиш ва ўргатиш ишига муносабат ўзгариши керак. Шундагина, олимларимиз таъкидлаган, матншуносликнинг системали яхлит назарияси ва илмий-методологик мезонларини ишлаб чиқиш, таълим стандартлари, ўқув режаларида биринчи блок фанлар қаторида саналадиган “чет тиллар” таркибига шарқ тилларини ҳам киритиш, илмий-танқидий матн тайёрлашдек заҳматни ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантириш, жумҳурият миқёсида матншунослик ҳайъатини тузиш, матнларни тайёрлайдиган ва чоп этадиган мутахассис ҳамда нашриётларнинг ваколатлилик даражасини белгилаш каби масалалар²⁸га қараш жиддийлашади. Муносабат жиддийлашар экан, соҳага бевосита ва билвосита алоқадор кишилар энди юқорида саналган масалаларнинг амалий ечимини “ушалмас орзу” деган гумон билан эмас, балки эртага аниқ юзага чиқадиган реал вазият тақозоси ўлароқ қабул қилади.

Зеро, аввалги қадам ўзига, айтаётган сўзига ишончдан, демакки ишонтиришдан бошланади. Айни ҳолатда билдирилаётган фикр-мулоҳаза ва таклифларни ҳаракатлантирадиган бирламчи куч ҳам ишончдир.

²⁸ Қаранг: Матншунослик давр талаблари даражасидами? Давра суҳбати \\\ Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 2 июль, № 27.

МУНДАРИЖА

М.Т. Нормуродов. Адабий мерос маънавий юксалишда муҳим омил	3
---	---

1-ШУЪБА. АДАБИЙ МАНБАНИ ЎРГАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Н.А.Жабборов. Адабий манбаларда матн таҳрири масаласи.....	6
Н.Шодмонов, Г.Имомова. Адабий манба ва матн тасарруфи.....	13
М.И.Мунавварова. Адабий меросда ифодаланган миллий ғоя маънавий илдизларини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти.....	22
А.А.Қамбаров. Абдулла Авлоний асарларини манба сифатида ўрганишнинг фалсафий-методологик аҳамияти.....	28
Р.Ф.Зоҳидов. Адабий манбашунослик тадқиқида матншунослик муаммолари.....	33

2-ШУЪБА. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Ш.Ахмедова, Д.Қувватова. Лирик матнни онтологик таҳлил қилиш муаммолари	40
Д.Тўраев, Ш.Нуриддинов. Таърих замиридаги моҳият.....	43
О. Ч. Бозоров. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши.....	48
Ш.Қаҳҳорова, И.Жабборов. Туркона кўшиқлар тадқиқи ҳақида.....	53
Р.Ш.Хабохунова. Қўқон адабий муҳити манбаларини ўрганишга доир айрим мулоҳазалар.....	58
Д.Т.Жумаева. “Юсуф ва Зулайхо” – Дурбек талқинида.....	62
Р.Жумаев. Ҳикоят ва унинг аналогик таҳлили.....	66
С.И.Шукурова. “Юлдузли тунлар” нашрларида муаллиф таҳрири.....	71
Ҳ.Абдинабиева. Агиографик асарлар тавсифига доир.....	75
Г.Равшанова. Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо”.....	

М.Акбаров. “Қисаси Рабғузӣ”нинг бир тошбосма нусхаси ҳақида.....	86
Н.Ш.Раҳимова. Мунис лирик меросининг манбалари.....	90

3-ШУЪБА. МАТНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Э.Жабборов, Ғ.Жабборов. Боқирғоний ҳақидаги ривоятлар ва унинг наشري ҳақида.....	95
Ш.Н.Амонов. “Миллий шеърлар” ва унинг “Мукамал” наشري ҳақида.....	102
Ш.Каромова. Давр ўзгаришларининг нашрларга таъсири (Ж.Жабборов шеърлари мисолида).....	107
А.Ҳамдамов, С.Ҳақбердиева. “Ўзбекистон” шеърининг қайта таҳрири.....	111
А.Норов, Ш.Муродов. Матн транслитерациясига оид алгоритмларни қуришда компьютер лингвистикасининг зиддиятли масалалари.....	114
Янгибоев Ш. “Шайбонийнома”нинг наشري тўғрисида.....	119
Ж.Хусанов. “Мажмуат-уш-шуаройи Ферузшоҳий” тазкирасида назира – жавоб анъанаси хусусида	122
Ғ.Шодмонов. “Сабъаи сайёр”нинг илмий-танқидий матни ва нашрлари хусусида.....	127
З.Намозова. “Бадоеъу-л-васат” нашрларидаги тафовутлар ва уларнинг таҳлили.....	132
Д.Ҳ.Шодмонова. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нашрлари ўртасидаги тафовутлар.....	136
Д.Т.Жумаева. Зулайхо – илоҳий ишқ тимсоли.....	141